

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ ОҚИМЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ АСОСЛАРИ

Артикова Фазилат Панжисевна
Тошкент Кимё халқаро университети
ORCID: 0009-0006-3011-2232
fazilat88@mail.ru

Аннотация. Мақолада суғурта компанияларининг тул оқимлари, уларнинг таснифланиши, шаклланиши, ташкил топиш манбалари назарий ва амалий жиҳатдан тавсифланган, хусусиятлари очиб берилган, ҳамда амалий жараёнлари таҳлил қилинган.

Ключевые слова: суғурта, суғурта компаниялари, молиявий ресурслар, тул оқими, устав капитал.

ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

Артыкова Фазилат Панджисевна
Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В статье теоретически и практически описаны денежные потоки страховых компаний, их классификация, формирование, источники создания, раскрыты их характеристики, проанализированы практические процессы.

Ключевые слова: страхование, страховые компании, финансовые ресурсы, денежный поток, уставный капитал.

FUNDAMENTALS OF ORGANIZING FINANCIAL FLOWS OF INSURANCE COMPANIES

Artikova Fazilat Panjievna
Kimyo International University in Tashkent

Annotation. The article theoretically and practically describes the cash flows of insurance companies, their classification, formation, sources of creation, discloses their characteristics, analyzes practical processes.

Key words: insurance, insurance companies, financial resources, cash flow, authorized capital.

Кириш.

Суғурта бозор инфратузилмасининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, фаолиятнинг барча соҳаларида самарадорлик оширишга ва барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида суғурта ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш жараёнини таъминловчи муҳим омил сифатида фаолият юритади.

Суғурта соҳасини ривожлантирумай туриб давлат ва унинг молиявий институтларининг ривожланиши тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар қандай ривожланган давлатда тадбиркорлик фаолиятининг деярли барча соҳалари суғурта институтининг ривожланиш ҳолатига боғлиқ, шунингдек суғурта нафақат барқарорлик кафолати, балки унинг жадал ривожланиши учун рағбат вазифасини ҳам бажаради.

Суғурта компанияларининг молияси бу устав фаолиятини таъминлаш мақсадида суғурталовчиларнинг маблағлари муомаласида воситачилик қилувчи пул оқимлари, капитали, суғурта компанияларининг даромадлари, пул маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул шаклидаги иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда корхона молияси деганда асосий ва айланма маблағларни, корхона фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган молиявий ёки пул муносабатлари тушунилади (Аширова ва Азимова, 2023). Ташкилот фаолиятини таъминлаш учун молиявий ресурслар ва маблағлар фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкилотларнинг молиясини ифодалайди (Тарасова ва Биков, 2023).

Бир қатор иқтисодчилар ташкилотнинг молиясини ташкилотнинг иқтисодий фаолияти жараёнида юзага келадиган ва унинг пул оқимларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар сифатида белгилайдилар (Старкова, 2014).

Дмитриева (2013) ўз тадқиқотларида қуйидагиларни таъкидлайди, яъни корпоратив молиянинг вазифаларидан бири бу ташкилотнинг харажатларини молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминлашади. Ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбай – ўз капиталидир (устав капитали ва фойда).

Никулин (2020) ўз илмий ишларида қуйидагиларни таъкидлайди, яъни суғурта компанияларининг молияси – бу унинг барча молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган пулли муносабатларининг бутун мажмуасидир. Ресурсларни яратиш, уларни йиғиш молия бозорида устав капитали ва активларнинг ишлаши орқали шаклланади. Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари деганда суғурталовчининг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган даромадлар ва ташқи тушумлар кўринишидаги маблағлар тушунилади. Улар иккита катта ва муҳим қисмни ўз ичига олади: ўз маблағлари ва қарз маблағларидир. Ресурслар билан ишлаш суғурта компанияларига ўз капиталини ошириш ва асосий мақсадларини амалга ошириш имконини беради.

Никулина ва Березина (2007) қуйидагиларни таъкидлайдилар, суғурта ташкилотининг молияси бу молия-хўжалик фаолияти жараёнида вужудга келадиган пул капитали, даромад ва бошқа пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган пулли муносабатлар тизимини ифодалайди. Шунингдек, суғурта компаниялари турли хил ташқи ва ички пул муносабатларига ҳам эгадирлар.


Абдурахмонов (2018-2024) ўз тадқиқотларида суғурта муносабатларининг шаклланиши, уларнинг молия тизимида тутган ўрни, суғурта мукофотларининг шаклланиши, пул оқимларини кўпайтиришда соҳага янги технологияларни жорий этилиши, тизимда юз бераётган ўзгаришлар ва тенденциялар баён этилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари муомаласи доирасидаги молиявий оқимлар молиявий ресурсларнинг ўз вақтида ҳаракатини англаатади. Ҳаракат жараёни

эса капиталнинг шаклланишига олиб келадиган молиявий ресурсларни тўплаш ва улардан фойдаланишнинг мунтазам ва узлуксизлигини акс эттиради.

Суѓурта компанияларининг молиявий оқимлари ҳар доим муайян хуқуқий ҳужжатлар, миллий норматив ҳужжатлар ва суѓурта компанияси фаолиятини тартибга солувчи стандартлар асосида шаклланади ва ишлатилади.



1-расм. Молиявий оқимларнинг таснифланиши

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Молиявий оқимлар молиявий-хўжалик фаолиятида вужудга келадиган молиявий ресурсларнинг шаклланиши, айланиши ва сарфланишини англатади. Ижобий молиявий оқимлар маблағларнинг келиб тушишини, шаклланишини, салбий молиявий оқимлар эса уларнинг ишлатилиши, камайишини англатади. Молиявий оқимлар нафақат капиталнинг кўпайиши ёки камайиши, балки унинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтишига ҳам таъсир кўрсатади.

Молиявий имкониятларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, молиявий оқимларни бошқаришнинг асосий мақсади бу молиявий ресурсларнинг етарлилик даражасини аниқлаш, кўплаб муқобил вариантлардан фойдаланишнинг мақбул ва самарали йўналишларини ташлаш ҳисобланади.

Суѓурта компанияси фаолиятидаги молиявий оқимларни ўрганишда уларни келиб чиқиши ва шаклланиши сабабларига кўра таснифлаш кенг қўлланилади (1-расм).

Суѓурта компанияларининг молиявий ресурслари оқимининг асосий кирим манбай бу суѓурта мукофотлари, чиқими эса суѓурта қопламалари (суѓурта тўловлари) ва иш юритиш ҳаражатлари ҳисобланади.

Суѓурта фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган молиявий оқимларнинг механизми 2-расмда тасвирланган.




1-суғурта мукофоти; 2-суғурта қопламаси; 3-қайта суғурта мукофоти; 4-қоплама, мукофот; 5-агентлик ҳақи; 6-иш ҳақи.

2-расм. Суғурта бўйича молиявий оқимлар

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта компаниясининг асосий фаолияти сифатида суғурта хизматларини кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти унинг бошқа фаолиятлар билан узвий боғланганлигидир. Булар қайта суғурта фаолияти, инвестиция, молиявий фаолият, турли молиявий хизматларни тақдим этиш ва бошқалардир. Ушбу фаолият турлари суғурта фаолиятига нисбатан иккиламчи ҳисоблансада, аммо бу уларнинг молиявий ресурсларини шакллантиришдаги аҳамиятини камайтиrmайди.

Молиявий ресурсларнинг шаклланиши жорий, инвестицион ва молиявий маблағларни ўзига олган иқтисодий фаолият жараёнида юзага келади (3-расм).



3-расм. Жорий, инвестицион ва молиявий фаолиятда молиявий ресурсларнинг шаклланиши

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта компаниясининг жорий фаолияти – бу суғурта, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш фаолиятидир ҳамда уларни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар билан боғлиқ фаолият.

Таъкидлаш жоизки, жорий фаолиятдаги молиявий оқимлар устувор аҳамиятга эга. Жорий фаолиятда молиявий ресурсларнинг кириб ва чиқиб кетиши орасидаги ижобий фарқ самарали фаолиятни англатади ва юқори даражадаги молиявий барқарорлик билан ажралиб туради. Молиявий ресурсларнинг кириб ва чиқиб кетиши орасидаги салбий фарқ эса аксинча молиявий қийинчиликлар ва тўлов қобилиятининг ёмонлашиш рискини келтириб чиқариши мумкин. Мавжуд фаолият учун маблағ етишмаслиги бошқа фаолият турларидан маблағларни жалб қилиш (олиш) зарурлиги тақозо қиласди. Масалан, фарқни қоплаш учун суғурта компанияси ташқи қарз олишга ёки инвестицияларни муддатидан олдин қайтариб олишга ёки иш юритиш харажатларини камайтиришга мажбур бўлади. Акс ҳолда, тегишли қарорлар қабул қилинмаса суғурта компанияси ўз мажбуриятларини бажара олмайди.

Жорий, инвестиция ва молиявий фаолиятдан молиявий ресурсларнинг одатий кириши ва чиқиши кўрсатилган 1-жадвалда келтирилган.

Молиявий ресурслар компаниянинг маблағлари сифатида узлуксиз ишланини таъминлайди.

1-жадвал

Суғуртада одатий молиявий оқимлар

Ижобий молиявий оқимлар (кирим)	Салбий молиявий оқимлар (чиқим)
Жорий фаолиятдан молиявий ресурсларнинг шаклланиши	
<ul style="list-style-type: none"> –суғурта, биргаликдаги суғурта, қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари; –қайта суғурта шартномалари бўйича тантъема ва мукофотлар, биргаликдаги шартномалар бўйича мукофотлар, шунингдек суғурта агент, сюрвейер ва бошқа хизматларни кўрсатишда маблағлар; –компанияга етказилган заарларни қоплашдан тушган маблағлар; –эски ҳисбот йилдан ўтган фойда 	<ul style="list-style-type: none"> –суғурта ва биргаликдаги суғурта шартномалари бўйича тўловлар; – суғурта воситачиларига тўловлар; – эксперт ва аджастерлар хизмат ҳақлари; – қайта суғурта шартномалари бўйича қопламалар; – иш ҳақлари; – дивиденд ва фоизлар бўйича тўловлар; – солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисобкитоблар; – шарима, пения ва устамалар – эски йилда аниқланган камомадларнинг жорий йилда тўланиши
Инвестиция фаолиятдан молиявий ресурсларнинг шаклланиши	
<ul style="list-style-type: none"> – қимматли қофозлар ва бошқа молиявий қўшилмаларни сотищдан тушган даромад; – асосий воситаларни сотищдан олинган даромадлар; – ташкилотларга берилган заёмларнинг қайтиши; – олинган дивиденд ва фоизлар 	<ul style="list-style-type: none"> – қимматли қофозларни ва бошқа молиявий қўйилмаларни сотиб олиш харажатлари; – асосий воситаларни сотиб олиш харажатлари; – бошқа ташкилотларга берилган заёмлар; – шўба корхоналарни сотиб олиш
Молиявий фаолиятдан молиявий ресурсларнинг шаклланиши	
<ul style="list-style-type: none"> – акция ва бошқа қимматли қофозларни чиқаришдан тушган тушум; – номинал қийматларнинг ошиши бўйича тушумлар 	<ul style="list-style-type: none"> – молиявий қарзларни тўлаш; – кредит ва заёмларни қайтариш
Молиявий ресурсларнинг қўпайиши (камайиши)	


Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари ўзаро боғлиқ бўлган пул даромадларининг, жамғармалар ва тушумларнинг йиғиндисидир, бу эса:

- суғурта компаниясининг суғурталанувчилар, биргаликда суғурталовчилар, қайта суғурталовчилар ва суғурта бозорининг бошқа субъектлари олдидағи мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- суғурта компанияси томонидан жорий, инвестиция ва молиявий операциялар бўйича харажатларни қоплаш;
- жамиятнинг ижтиёмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш.

Шу билан бирга молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш суғурта компаниясининг молиявий ресурслари ҳаракатининг моҳиятини тавсифловчи ўзаро боғлиқ иккита жараёндир. Ресурсларни шакллантиришда уларнинг шаклланиш ва мобилизация жараёнлари, хусусан, шаклланиш манбалари, шакллари ва улишлари нисбатларини аниқлаш тушунилади.

Суғурта компаниясининг молиявий манбаларининг шаклланиши механизми 4-расмда келтирилган.



4-расм. Суғурта компаниясининг молиявий ресурсларининг шаклланиш механизми

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Молиявий ресурсларни шакллантириш жараёни – ресурсларни жалб қилиш манбалари, таркиби ва шакллантиришга қўйилган талабларни аниқлаштиришни ўз ичига олади (2-жадвал).

Суғурта компаниясининг ўз молиявий маблағлари таркибига қўйидагилар киради:

- устав капитали;
- қўшимча капитал;
- захира капитали;
- тақсимланмаган фойда;
- жамғарма ва истеъмол фондлари.

Суғурта компаниясининг ўз молиявий ресурсларини шакллантириш ташқи ва ички манбалардан узоқ муддатга жалб қилинадиган пул ёки натура қўринишидаги маблағларни ўз ичига олади.

Ташқи манбалар таркибida асосий ўринни суғурта компаниясининг пай (иштирокчилар ҳиссаси бўйича улушлари) ёки акционерлик (акцияларни чиқариш ва сотиш орқали) жалб қилинган маблағлар эгаллайди.

Ички манбалар таркибига жорий, инвестицион ва молиявий операциялар учун суғурта компанияси ихтиёрида қолган даромадлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўз молиявий ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади ва компания бозор қийматининг ошишини таъминлайди.

2-жадвал

Сұғурта компаниясининг молиявий ресурсларни шакллантириш жараёни

Белгилари	Үз молиявий ресурслар	Қарзга олинган молиявий ресурслар	Жалб қилинган молиявий ресурслар
Таркиби	Устав капитали. Қўшимча капитал. Захира капитал. Тақсимланмаган фойда. Истеъмол ва жамғарма маблағлари	Кредит ва заёмлар	Хаёт ва бошқа сұғурта соҳалари бўйича резервлар. Огоҳлантириш чора-тадбирлари фондлари. Кредиторлик қарзлари ва бошқа мажбуриятлар
Шаклланиш манбаси	Узоқ муддатли ташқи манбалар (қўйимча бадал, пай ёки акциядорлик капиталини жалб қилиш). Узоқ муддатли ички манбалар (сұғурта компаниясининг ихтиёрида бўлган фойда, амортизация ажратмалари)		Қисқа ва узоқ муддатли давларга ташқи ва ички манбалардан жалб қилинган маблағлар
Шаклланиш талаблари	Устав капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини белгилашга тартибиغا қўйиладиган қонунчилик ва таъсис талаблари. Қўшимча капитални шакллантириш учун қонунчилик ва ички талаблар. Захира капиталини шакллантириш учун қонунчилик ва таъсис талаблари. Фойда ва маҳсус фондларини шакллантиришнинг хуқуқий ва ички талаблар. Ўз маблағларининг етарлиги бўйича ўрнатилган қонунчилик ва ички талаблар	Қарз маблағларини шакллантиришнинг хуқуқий ва ички талаблар	Сұғурта захираларини шакллантириш учун қонунчилик ва ички талаблар. Огоҳлантириш чора-тадбирлари фондини шакллантиришнинг ички талаблари. Кредиторлик қрзлари ва бошқа мажбуриятларни шакллантиришнинг мақсад ва қийматлари бўйича сұғурта сұғурта компанияси даражасида белгиланган талаблар

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунингдек, ички манбалар таркибида амортизация ажратмалари ҳам аҳамиятли, улар компаниянинг үз маблағларини қайта инвестициялаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Ўз молиявий ресурсларни шакллантиришда қўйиладиган талаблар қўйидагиларни үз ичига қамраб олади:

1. Устав капиталини шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Устав капиталини шакллантириш тартиби ва энг кам миқдорлари амалдаги қонун ҳужжатларида (сұғурта фаолиятига тааълуқли қонунчилик ҳужжатлари) ва сұғурта компаниясининг таъсис ҳужжатларида белгиланади. Масалан: 2022 йил 1 июлдан бошлаб миллий сұғурта компаниялари учун устав капиталларининг энг кам миқдорлари қўйидагича белгиланган: умумий сұғурта ёки ҳаётни сұғурта қилиш тармоғида (ихтиёрий сұғурта) – 20,0 млрд.сўм, умумий сұғурта ёки ҳаётни сұғурта қилиш тармоғида (мажбурий сұғурта) – 35,0 млрд.сўм, фаолияти фақат қайта сұғурталаш бўладиган бўлса – 45,0 миллиард сўмни ташкил этади (Қарор, 2019). Шунингдек, кейинчалик уларнинг минимал миқдорларини йиллар давомида ошириб бориш режалаштирилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Суғурталовчиларнинг табақалаштирилган устав капиталининг
энг кам миқдорлари (млн., сўмда) (Қарор, 2024)**

Т/р	Суғурта фаолияти турлари	1 октябрдан		
		2025 йил	2027 йил	2029 йил
1.	Умумий суғурта соҳасида ихтиёрий суғурта	35 000	45 000	60 000
2.	Умумий суғурта соҳасида мажбурий суғурта	50 000	75 000	100 000
3.	Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ихтиёрий суғурта	25 000	30 000	35 000
4.	Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта	40 000	45 000	50 000
5.	Фақат қайта суғурта	80 000	100 000	120 000

2. Қўшимча капитални шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Қонунчилик талабларига мувофиқ, қўшимча капитал асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида олинган маблағлар, акцияларни эмиссия, жойлаштиришдан олинган даромадлар ва бошқа ташкилотлардан бепул олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, агар суғурта компаниясининг ҳисоб сиёсатида қайта баҳолаш орқали қўшимча капитални шакллантириш қўзда тутилган бўлса.

3. Захира капиталини шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Захира капиталини шакллантириш методологияси худди қўшимча капитални шакллантиришга ўхшаш тармоқ (соҳа) хусусиятларига эга эмас ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил этишнинг умумий тамойилларига мос келади. Захира капитали компаниянинг молиявий мажбуриятларни қоплаш учун шакллантирилмайди, балки устав капиталига қўшимча сифатида шаклланади. Захира капиталини шакллантириш учун маблағлар амалдаги қонун хужжатларида белгиланган миқдорда, суғурта компанияси таъсисчиларининг қарорига биноан соф фойдани натижалар бўйича тақсимлашда ажратилади.

4. Фойда ва маҳсус фондларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Суғурта компаниясининг фойдаси компания фаолиятининг якуний молиявий натижасини англатади ва суғурталовчининг капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш бўйича тартибга солинадиган талабларга мувофиқ тақсимланмаган даромад ҳаёт ва ҳаётдан ташқари алоҳида суғурта турлари бўйича ҳосил бўладиган соф фойдани (зарарни) ўз ичига олади. Шу билан бирга суғурта компаниясининг ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ва солиқ ҳисоби учун даромадлар ва харажатларни шакллантириш талаби белгилаб қўйилиши мумкин.

Суғурта иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг эквивалентлиги тамойилларига риоя қилиш учун суғурта компанияси жорий операциялардан келадиган даромадларни оширишга интилмаслиги керак. Шунга қарамай, суғурта операциялари жуда катта фойда келтириши мумкин, аммо уни олиш суғурта компаниясининг асосий мақсадига айланиши керак эмас. Суғурта компаниясининг ижтимоий самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компанияси даромадларининг асосий манбаси жорий операциялар билан ўзаро боғлиқ инвестицион фаолиятидир. Бир томондан, инвестиция операциялари молиялаштириш манбаи суғурта операциялари бўлса, бошқа томондан инвестиция фаолиятидан олинган фойда жорий операцияларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин. Масалан, ҳаётни суғурталашда инвестиция фаолиятида захира фондларидан фойдаланишда кутилаётган фойда суғурта ставкасини аниқлашда олдиндан ҳисобга олинади ва шу билан бирга унинг камайишига, кейинчалик эса суғурта фондининг ҳажмига таъсир қиласи.

Фойда туфайли, суғурта компаниясининг ички хужжатларига мувофиқ, турли хил жамғарма ва истеъмол фондлари ташкил этилиши мумкин бўлади.

5. Соф активларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Молиявий ҳисоботларни тузиш жараёни суғурта компаниялари мажбурий тартибда мажбуриятлардан озод қилинган соф активлар қийматини ҳисоб чиқадилар. Соф активлар қиймати, ҳажми суғурта компаниясининг кредиторлари олдидағи мажбуриятларини бажариш кафолатининг даражасини кўрсатади. Шу билан бирга, соф активларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг қиймати суғурта компаниясининг устав капиталидан кам бўлмаслиги керак.

6. Суғурта компаниясининг ўз маблағларининг етарлик даражасига талаблар. Ўз маблағларининг миқдори давлатнинг талабларига ва суғурта компаниясининг эҳтиёжлари боғлиқ бўлади. Бу молиявий хавфсизликни кафолатлаш учун етарли бўлиши керак, шунинг учун режалаштириш ва назорат қилиш керак. Шу билан бирга, капиталнинг етарлилик миқдори сифатида қўйидаги икки кўрсаткичнинг каттаси қабул қилинади, булар ички ва ташқи капиталнинг етарлилик даражаси.

Шундай қилиб, ўз молиявий ресурсларнинг ҳажми суғурта компанияси фаолиятининг дастлабки босқичида муҳимдир, чунки ушбу босқичда, суғурта фонди ҳали етарлича шаклланмаган ва йирик заарларни қоплаш имконига эга бўлмайди. Бу жараёнда суғурта компаниясининг устав қапитали фаолият жараёнидаги молиявий рискларни бошқариш имконини беради. Шу билан бирга, ўз молиявий ресурслар суғурта компаниясининг молиявий барқарорлик омили сифатида хизмат қиласди. Уларнинг ҳажми суғурта мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш учун етарли бўлиши керак. Бунда ўз маблағларининг етарлилик даражаси суғурта компаниясининг тўлов қобилиятига қўйиладиган ташқи ва ички талаблар билан белгиланади.

Баланс мажбуриятларини шакллантириш бўйича тартибга солинадиган талабларга мувофиқ суғурта компаниясининг мажбуриятлари заёмлар ва кредитлардан иборат бўлган қарз маблағлари ва бошқа мажбуриятларни ўз ичига олади.

Қарзга олинган молиявий ресурслар таркибида ташқи ва ички манбалардан қисқа муддатга ва узоқ муддат даврларга жалб қилинган маблағлар киради. Молиявий маблағларни шакллантиришда банк манбаидан фойдаланиш кенг мақсадли ва турли шаклларда амалга оширилиши жиҳатидан кенг қиррали ҳисобланади. Қарз олиш манбаларидан яна бири бу суғурта компаниясининг ўз қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобланади ва улар компаниянинг стратегик ривожланишини молиялаштириш учун ишлатилади.

Қарзга олинган молиявий ресурслар суғурта компанияси томонидан қайтарилиш ва қатъий мақсадли равишда жалб қилинади (жорий активларнинг етишмаган қисмларини тўлдириш учун – қисқа муддатли даврга қарз олиш; инвестицияларнинг етишмаётган миқдорини шакллантириш учун – узоқ муддатли қарзлар ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжлар учун), бу уларни кейинчалик ишлатиш шартларидан бири ҳисобланади.

Суғурта компаниясининг жалб қилинган молиявий ресурслари қўйдагилардан иборат:

- Ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта резервлари;
- ҳаётни суғуртасидан бошқа суғурта турлари бўйича суғурта резервлари;
- огоҳлантириш чора-тадбирлари бўйича резервлар;
- кредиторлик қарзлари;
- бошқа мажбуриятлар.

Суғурта ва огоҳлантириш чора-тадбирлар резервлари ташқи манбалар ҳисобидан суғурта мукофоти шаклида молиялаштирилади. Кредиторлик қарзлари ва бошқа мажбуриятлар ташқи (суғурта, биргалиқда суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича) ва ички манбалардан (межнат ва хўжалик шартномалари бўйича) ҳисобидан ҳосил бўлади

Суғурта компаниясининг ўз, қарзга олинган ва жалб қилинган молиявий маблағларини шакллантириш билан боғлиқ бошқарув қарорларининг асосланиши ва назорати турли усулларни қўллашни ўз ичига олади (4-жадвал).

4-жадвал

Суғурта компаниясининг молиявий ресурсларини шакллантириш усуллари

Усуллар	Ўз молиявий ресурслари	Қарзга олинган молиявий ресурслар	Жалб қилинган молиявий ресурслар
Ҳисоб-китоблар тизими	Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	Қарз ва кредит шартномалари бўйича банклар ва нобанк ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар	Суғурта, биргаликда суғурта, қайта суғурта ва бошқа хўжалик шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар
Диверсификация усули	Чиқарилган акциялар ва улушлар бўйича диверсификация қилиш	Кредит портфелини диверсификация қилиш	Суғурта, биргаликда суғурта ва қайта суғурта портфелини диверсификация қилиш
Иқтисодий-статистик усули	Капиталнинг ўсиши учун захираларни топишнинг иқтисодий-статистик усуллар	Қарз ва кредитлаш рискларини иқтисодий-статистик баҳолаш усуллари	Суғурта ставкалари ва суғурта захираларини ҳисоблашнинг иқтисодий-статистик усуллари
Иқтисодий-математик усул	Ўз маблағларни баҳолашнинг иқтисодий-математик усуллар	Қарз маблағларини баҳолашнинг иқтисодий-математик усуллар	Суғурта ставкалари ва захираларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари
Эксперт баҳолаш усули	Ўз маблағларининг етарлик даражасини эксперт баҳолаш	Суғурта компаниясининг кредитга лаёқатлигини эксперт баҳолаш	Резервлар, огоҳлантириш чоратадбирлари фонди ва суғурта тарифларининг етарлилик даражасини эксперт баҳолаш
Режалаштириш	Устав капитални кўпайтиришни режалаштириш. Жорий, инвестиция ва молиявий операциялардан, ҳаёт ва бошқа суғурта турлари бўйича фойдани режалаштириш	Қарз ва кредит маблағларни жалб қилишни режалаштириш	Суғурта тарифларини режалаштириш. Суғурта резервлари ва огоҳлантириш чоратадбирлари фондларини режалаштириш
Моделлаштириш	Ўз маблағларининг ўзгаришини моделлаштириш	Қарз ва кредит олиш рискларини моделлаштириш	Суғурта резервлари ва огоҳлантириш чоратадбирлари фондларини моделлаштириш
Таҳлил	Ўз молиявий ресурсларни горизонтал, вертикал, қиёсий, омилли, трендли, коэффициентли таҳлил қилиш	Қарзга олинган молиявий ресурсларни горизонтал, вертикал, қиёсий, омилли, трендли, коэффициентли таҳлил қилиш	Жалб қилинган молиявий ресурсларни горизонтал, вертикал, қиёсий, омилли, трендли, коэффициентли таҳлил қилиш
Назорат	Ўз молиявий ресурсларни, қарзга олинган молиявий ресурсларни, жалб қилинган молиявий ресурсларни доимий назоратини олиб бориш		

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурсларини шакллантириш натижаларини баҳолаш жараёни уларни такомиллаштириш воситалари бўлган мутлақ ва нисбий молиявий кўрсаткичлар тўпламидан фойдаланишини ўз ичига олади (5-жадвал).

5-жадвал

Суғурта компаниясининг молиявий ресурсларини шакллантириш натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ўз молиявий ресурслари	Қарзга олинган молиявий ресурслар	Жалб қилинган молиявий ресурслар
Мутлақ	Устав капиталнинг амалдаги ва норматив ҳажми. Захира капиталининг амалдаги ва норматив миқдори	Қарз ва кредитларнинг амалдаги ва норматив миқдорлари	Ҳаёт ва бошқа суғурта турлари учун суғурта захираларининг амалдаги ва режалаштирилган миқдорлари
	Соф активларнинг ҳақиқий ҳажми. Ҳаёт ва бошқа суғурта турларидан ҳақиқий ва режалаштирилган фойда. Ўз капиталининг умумий ҳажми	Қарзга олинган маблағларнинг умумий миқдори	Огоҳлантириш чора-тадбирлари фондининг амалдаги ва режалаштирилган ҳажми. Кредитор қарздорликнинг ҳақиқий ва режалаштирилган миқдори. Жалб қилинган маблағларнинг умумий ҳажми
Нисбий	Ўз маблағларининг амалдаги ва норматив етарлилик даражаси. Ўз маблағларининг айланиш ва рентабеллик кўрсаткичлари.	Қарз маблағларнинг айланиш ва рентабиллик кўрсаткичлари	Суғурта захираларининг амалдаги ва норматив даражаси. Жалб қилинган маблағларнинг айланиш ва даромадлилик кўрсаткичлари.
Тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари			

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш механизмида чиқувчи оқим бу суғурта компаниясининг жалб қилинган маблағлардан қониқишидир.

Суғурта компаниясининг бизнес жараёнларига (молиявий ресурсларни шакллантириш жараёни, усуллари, шаклланиш натижаларини баҳолаш жараёни) йўналтирилган, ўзлаштирилган, қарзга олинган ва жалб қилинган молиявий маблағларни шакллантиришда тизимли ёндашув суғурта компаниясининг бошқарув самарадорлигини бир неча маротаба ошириш мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, пул оқимларига берилган хусусиятлардан суғурта ташкилотининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқариш объекти сифатида фойдаланиш суғурта компанияларининг молиявий мослашувчанлик даражасининг ошишига олиб келади, бу:

- маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланишини мувозанатлаш нуқтаи назаридан оператив бошқарувни такомиллаштириш;
- ресурсларни самарали бошқариш орқали суғурта маҳсулотларини сотиш ҳажмини ошириш ва уларни амалга ошириш харажатларини минималлаштириш;
- ўзлик, жалб қилинган ва қарзга олинган молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш;
- молиявий ресурсларни фойдали молиявий воситаларга инвестициялаш учун бўшатиш имконияти;

– фаолият турлари бўйича пул оқимларини таҳлил қилишда рисқ, ликвидлик ва самарадорликни баҳолаш учун ишончли асос яратиш.

Олиб борилган таҳлиллар суғурта компанияларининг молиявий оқимларининг асосий хусусиятларини шакллантиришга имкон берди, жумладан:

– хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига боғлиқлиги;

- икки йўналишилил (кирувчи ва чиқувчи молиявий оқимлар);

– пулли ташкил этувчанликнинг мавжудлиги ва пул бозори ҳамда капитал бозорининг барча элементларини қамраб олиш имконияти;

– ташкилот учун юқори ва ўрта ликвидли активлар – молиявий оқимнинг моддийлаштирилган қисми;

- молиявий оқимнинг мақсадга мувофиқлиги;

– хўжалик юритувчи субъектнинг кўплаб молиявий оқимлари унинг молиявий айланишини ташкил қилиши.

Молиявий оқимларнинг ишлаши қуйидаги қонуниятлар асосида амалга оширилади, яъни:

- молиявий оқимлар нақд пул шаклида амалга оширилади;

- доимий мақсадли характерга эга;

– молиявий оқимлар ташкилотнинг пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва сарфлашни таъминлайдиган оқимларни яратади;

– улар молиявий алоқаларнинг барқарорлиги билан ажралиб туради, лекин айни пайтда улар ҳар хил даромадлил (зараарлил) билан, ҳамда доимий равища янгиланиб турадиган алоҳида бадаллар ва тўловлар характерига эга;

- молиявий оқимлардан фойдаланиш самарадорлиги каби омилларга эгалиги.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. International Finance and Accounting, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. International Finance and Accounting, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. International Finance and Accounting, 2020(3), 7.

Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(3), 60-67.

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullaeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent."IQTDISOD-MOLIYA.

Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. Asian journal of management sciences & education, 7(2), 56-61.

Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 7(1), 59-68.

Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 8(2), 20-27.

Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. International Journal of Management IT and Engineering, 11(7), 91-96.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Ислом сұғуртаси ёки тақафулнинг назарий-иктисодий асослари ва амалга ошириш моделлари таҳлили. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. № 6 (2020). 80-87.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Сұғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнал. №4, 1-10 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Сұғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Сұғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Сұғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизmlарини жорий этиш,. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Сұғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2024). Сұғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиши тенденциялари. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(4), 309-319.

Абдурахмонов, И. (2024). Сұғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. Nashrlar, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. (2024). Такафул: назарий-иктисодий асослар ва амалга ошириш механизmlари. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 2(6), 298-307.

Абдурахмонов, И. Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни сұғурталашнинг амалиётини тақомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Сұғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/-Т.:«Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида сұғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Сұғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Ашырова Л., Азымова А. (2023) Финансы предприятия // Символ науки: международный научный журнал. № 4-2. с. 79-80.

Дмитриева С.А. (2013) Корпоративные финансы. – Саратов: Саратовский государственный социально-экономический университет. – С. 20. – 128 с.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг сұғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон Қарори. (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон).

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сұғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2024 йил 1 мартағи ПҚ-108-сон Қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2024 й., 07/24/108/0171-сон).

Никулин А.Н. (2020) Финансы страховых компаний. Финансы кредитных организаций: учебное пособие. Электронные данные. – Ульяновск: УлГТУ. – 83 с.

Никулина Н.Н., Березина С.В. (2007) Анализ денежных потоков в страховой организации. Экономический анализ: теория и практика. 6 (87). 36-41 стр.

Старкова О.Я. (2014) Корпоративные финансы: учебное пособие. – Пермь: ФГБОУ ВПО Пермская ГСХА. – С. 10. – 193 с.

Тарасова А.Ю. , Быков В.А. (2023) Финансы предприятий: учебное пособие. 2-е изд. доп. и перераб./ - Ярославль: ООО «ПКФ «СОЮЗ-ПРЕСС». – 126 с.